

## ДИН – НАСИХАТ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**Мухтарам жамоат!** Маълумки, Ислом дини инсонларни, ўзаро ҳамжиҳатликда яшашга тарғиб этади. Бунда эса, инсонларнинг ўзаро самимий муносабатда бўлишлари муҳим ўрин тутди. Динимизнинг бош ғояси насихат, яъни самимийликдан иборат бўлиб, аввалда ўтган пайғамбарлар ҳам ўз қавмларига насихат қилганликлари ҳақида Қуръони каримда хабар берилган. Масалан, Нуҳ а.с. ўз қавмига хитоб қилар экан:

أَبْلَغُكُمْ رَسُولَاتِ رَبِّي وَأَنْصَحُ لَكُمْ

яъни: “Сизларга Раббимнинг топшириқларини етказурман ва сизларга насихат қилурман...”, деган (Аъроф сураси, 62-оят). Солиҳ а.с. ҳам ўз қавмини азобдан огоҳлантирганида шундай деган:

وَقَالَ يَا قَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رَسُولًا مِنْ رَبِّي وَنَصَحْتُ لَكُمْ وَلَكِنْ لَا تُجِبُونَ النَّاصِحِينَ

яъни: “Эй қавмим! Мен сизларга Раббимнинг топшириғини етказдим, сизларга насихат қилдим, лекин (сизлар) насихатгўйларни ёқтирмайсиз” (Аъроф сураси, 79-оят). Бошқа пайғамбарларнинг ҳам ўз қавмларига насихат қилганликлари ҳақида Қуръони каримда хабар берилган.

Пайғамбаримиз с.а.в. ҳадисларининг бирида марҳамат қиладилар;

عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : "الدِّينُ النَّصِيحَةُ . قُلْنَا لِمَنْ ؟ قَالَ : لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْأُمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ" (رواه البخاري ومسلم).

яъни: Тамим ад-Дорий р.а.дан ривоят қилинади, Пайғамбар с.а.в.: “*Дин насихатдир*”, дедилар. Биз: “*Кимга?* – деб сўрадик. У зот: “*Аллоҳга, Унинг китобига, Унинг расулига, мусулмонларнинг имомларига ва мусулмонлар оммасига*”, – дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти). Ушбу ҳадис динимизнинг асосини баён этувчи манбалардан биридир.

Насихатнинг маъноси ўзгаларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш, демакдир. Шу маънода Пайғамбаримиз с.а.в. насихат кимларга бўлишини бирма-бир санаб ўтдилар.

**Биринчиси**, Аллоҳга насихат бу – Унга ҳеч нарсани ширк келтирмаган ҳолда холис ибодат қилмоқлик, Унга мудом итоатда бўлиб, осий бўлишдан сақланмоқлик, унинг ато этган неъматларига шукр қилиб куфрони неъмат қилмаслик, Аллоҳга бўлган имонини мустаҳкам тутиб, ҳар бир ишда унга таваккул қилмоқлик ва Ўзидангина мадад тиламоқлик.

Аллоҳга насихат жумласига тақдирнинг яхшисини ҳам ёмонини ҳам Аллоҳдан деб билиб, унга рози бўлиш ҳам киради. Баъзилар тақдирдан норози

бўлиб, умидсизликка берилиши, тушкунликка тушиши оқибатида, ҳатто ўз жонига қасд қилишдек оғир гуноҳга ҳам кўл уриб кўядилар.

**Иккинчиси,** Унинг китобига насихат бу – Қуръони каримни Аллоҳнинг каломи эканлигига чин имон келтирган ҳолда ундаги хабарларни тасдиқлаш, унинг аҳкомларига амал қилиш, қайтарганларидан қайтиш, уни тўғри тиловат қилиб, унда ғулувга кетмаслик, унинг муташобих оятларига имон келтириш билан тасдиқламоқлик.

Баъзилар бу борада ҳам хатога йўл қўйиб, оқибатда залолатга кетганлар. Илмсизлик билан Қуръоннинг муташобих оятлари устида баҳс юритиб, турли бузғунчи тоифаларнинг чиқишига сабаб бўлганлар.

**Учинчиси,** Унинг расулига насихат бу – Муҳаммад с.а.в.ни Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари эканлигига чин имон келтирган ҳолда У зотнинг Аллоҳдан келтирилганларига эргашиш, қайтарганларидан қайтиш, ахлоқларидан ибрат олиш, саҳиҳ суннатларига риоя қилиш ва уларни бидъатдан ҳимоя қилиш.

Баъзи тоифалар фақат Қуръонни тан олиб, Пайғамбарнинг суннатларини тан олмайдилар, яна баъзилари суннатга амал қиламиз деган даъво замирида мўътабар фикҳий мазҳабларни инкор этадилар. Ваҳоланки, тўртала мазҳаблар ҳам уламоларнинг ижтиҳодлари асосида Расулуллоҳнинг суннатларига таянгандир.

**Тўртинчиси,** мусулмонларнинг имомларига насихат. Дунёвий ишлардаги раҳбарларни ҳам, диний ишлардаги уламоларни ҳам бир сўз билан имом дейлади. Демак, мусулмонларнинг имомларига насихат бу – давлат раҳбарларига садоқат билан итоат этмоқлик, уларнинг амру фармонларини бажармоқлик, бошқарув ишларида уларга кўмаклашмоқлик, уларга қарши исён қилмаслик, уламоларга эргашмоқлик, улар ҳақида яхши гумонда бўлмоқлик, уларни пайғамбарларнинг меросхўри деб эҳтиром қилмоқлик. Чунки, давлат раҳбарлари мусулмонларнинг дунёвий ишларини юргизадилар, уларнинг хавфсизлигини, мол-мулки, ҳақ-ҳуқуқи, обрў-эътиборининг дахлсизлигини таъминлайдилар. Диний уламолар эса, мусулмонларни ҳалолликка чақирадилар, ибодат ва амаллари тўғри ва мақбул бўлиш йўлларини кўрсатадилар, яхшиликка буюриб, ёмонликлардан қайтарадилар, бир сўз билан айтганда дунё ва охират ободлиги йўлларига чорлайдилар.

Раҳбарларга итоат қилмаслик фиску фасоднинг кўпайиши, инсон ҳуқуқи ва ҳурмати поймол бўлиши, қонлар тўкилиб, моллар талон-тарож қилинишига олиб келса, уламоларни эҳтиром қилмаслик эса уларнинг ваъз насихатлари ва фатволарига беътибор бўлиш, гуноҳ ва маъсиятлардан ҳазар қилмаслик, умуман динга нисбатан ҳурматсизликни пайдо бўлиши, фитна ва ихтилофларнинг авж олишига сабаб бўлади.

Тарихда ҳам, ҳозирда ҳам раҳбарларига исён қилинган, уламолари билан ихтилофга борилган юртларда тинчлик ва барқарорлик йўқолганлиги, турли хил эътиқодий тоифалар кўпайиб кетганлигига гувоҳмиз.

**Бешинчиси,** мусулмонлар оммасига насихат бу – барча мусулмонларга бирдек яхши муносабатда бўлиш, киши ўзи учун яхши кўрган нарсани бошқалар

учун ҳам яхши кўрмоқлик, ўзига ёқмаган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўрмаслик, уларга амри маъруф ва наҳйи мункар қилишлиқдир.

Шунингдек, уларни дунё ободлиги ва охират фойдаларига йўллаш, бу борада ёрдам қилиш, уларни эҳтиёт қилиш, улардан турли зарар ва офатларни бартараф қилиш, уларга юмшоқлик ва ихлос билан амри маъруф қилиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиб, шафқат қилиш, катталарини ҳурматлаб, кичикларини иззат қилиш ва раҳмдил бўлиш, мол-дунё, обрў-эътибор ва номусларини ҳимоя қилиш, уларни юқорида зикр этилган барча гўзал ахлоқлар билан хулқланишига қизиқтириш кабилар.

Аллоҳ таборака ва таоло инсонларга ўз ҳабиби Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаламни пайғамбарларнинг охиргиси қилиб юборди ва уни гўзал одоб-ахлоқ, меҳр-мурувват, олижаноб фазилатлар соҳиби қилди.

Алоҳ таоло марҳамат қилиб айтди:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ

яъни: “Албатт, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!” (Қалам сураси, 4-оят).

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи вассалам ўзларининг чиройли хулқ одоблари билан барча умматга намунадирлар. Зеро, у зот ҳадисларнинг бирида марҳамат қилиб айтганлар:

قال عليه الصلاة والسلام: "إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ" (رواه البخاري و الحكم و البيهقي).

“Мен энг яхши хулқларни камолига етказиш учун юборилдим” (Бухорий, Ҳоким ва Байҳақий ривояти).

Ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш, ҳожатларини чиқариш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, адашганларига тўғри йўл кўрсатиш, яхши-ёмон кунида ёнида туриш мусулмонларга нисбатан самимийликнинг ёрқин кўринишларидир. Бугунги кунда жамиятимизда бундай ишлар давлатимиз сиёсатининг ажралмас қисмини ташкил этиб, кундалик ҳаёт тарзимизга айланиб бормоқда.

**Азиз жамоат!** Хабарингиз бор шу йилнинг 10-11 март кунлари мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташриф буюрганида вилоятда “**Мир Араб**” олий мадрасасини ташкил қилиш бўйича кўрсатма берган эдилар. Ҳозирда ушбу олий мадраса ташкил қилиниб, 2017-2018 ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжатларини қабул қилиш жараёнлари кетмоқда. Шубҳа йўқки, ушбу олий мадрасада ҳам халқимиз учун етук дин пешволари таълим олиб чиқиб, халқимиз маънавиятининг янада юксалишига сабабчи бўладилар, албатта.

Аллоҳ таоло барчаларимизни ўзаро меҳру оқибатда ҳаёт кечирмоғлигимизга муваффақ айлаб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини бундан ҳам зиёда қилсин. Омин!

**Илова: Мухтарам имом-домла! Тагига чизиб ажратилган сатрларни мисоллар билан кенгроқ баён этишингизни сўраймиз.**